ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 167 (10.472) / 2005 ЙИЛ 26 АВГУСТ

**Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.**

## ПОЙТАХТИМИЗ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



Истиқлол йилларида жаннатмонанд юртимизнинг шаҳар ва қишлоқлари мутлақо янгича қиёфа касб этди. Янгидан бунёд этилаётган замонавий корхоналар, шинам турар-жойлар, коллеж ва лицейлар, барча қулайликларга эга тиббиёт муассасалари, равон йўллар, маҳобатли кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар юртимиз чиройига чирой қўшмоқда.

Бетакрор диёримизнинг кўрку тароватини ўзида намоён этадиган пойтахтимиз Тошкент шаҳрини бугун улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Айниқса, бош шаҳримизнинг шукуҳига шукуҳ қўшаётган кенг ва равон йўллар, кўприк ва транспорт боғламалари барчанинг эътиборини ўзига тортади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва кўрсатмаси билан шаҳарнинг турли мавзе ва даҳаларини бир-бири билан боғлайдиган йўллар, кўча ва кўприкларнинг бунёд этилиши Тошкентнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Пойтахтимизнинг Шароф Рашидов, Юсуф Хос Ҳожиб ва Миробод кўчаларининг кенглиги илгари ўн метрдан ошмас эди. Бунинг устига, трамвай йўли бу ердаги транспорт ҳаракатига халақит берарди. Лойиҳачилар, йўлсозлар, транспортчилар ва бошқа мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мазкур кўчалар қисқа муддатда кенгайтирилди, саккиз қатор транспорт бемалол ҳаракат қила оладиган ҳолатга келтирилди. Кўчалар атрофида ободончилик ишлари амалга оширилиб, коммуникация тизими янгиланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Юртбошимиз кўчалар атрофидаги биноларнинг кўриниши, безатилиши ана шундай равон кўчаларга мос бўлиши зарурлигига эътибор қаратди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Тошкент Ҳалқа йўлида — Сирғали тумани ҳудудидаги катта чорраҳада барпо этилган йўл ўтказгич билан танишди. Пойтахтимизнинг Усмон Носир кўчаси Сирғали, Қўйлиқ ва Отчопар бозорига борадиган йўллар билан кесишадиган жойда қурилган ушбу кўприкнинг узунлиги 49 метр бўлиб, уч ярим ойда ишга туширилди.

Президентимиз янги кўприк билан танишар экан, мамлакатимиз бўйлаб бу каби кўприк ва йўл ўтказгичлар, равон ва кенг йўллар қурилишига катта аҳамият берилаётганининг сабабларига эътиборни қаратди.

Давоми 3-бетда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:**

**Адилов Агитай** — Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Темиров Ботир Даминович** — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1-технологик цехининг механиги

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 25 август*



Адилов Агитай



Темиров Ботир Даминович

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.**

***Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:***

### «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

**Расулов Ўлмас Мамасодиқович** — Республика мусиқа коллежининг анъанавий ижрочилик бўлими ўқитувчиси

### «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»

**Мельников Евгений Павлович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

### «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

**Каримов Абдуғани Набиевич** — «Устазода» халқ амалий санъати усталари корхонасининг наққош устаси

### «Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»

**Мирзаалиев Иқболжон Мирзакаримович (Иқбол Мирзо)** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ассалом, Ўзбекистон!» студияси бош муҳаррири

### «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

**Абдураҳмонов Наби Қаюмович** — Ўзбекистон Ёшлар театри бадиий раҳбари

**Икромов Алишер Каримович** — «Ўзтелерадио» компанияси эстрада симфоник оркестри бадиий раҳбари ва бош дирижёри

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

**Ортиқов Сурьат Жўрабоевич** — Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри актёри

Давоми 2-бетда

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● КЕЧА САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ РЕГИСТОН МАЙДОНИДА «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШ ТАНТАНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

**● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Конституциявий суди президенти Ёнг Чоль Юн раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова билан учрашди.**

**● Вилоят хотин-қизлар ва табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, Бухоро шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор бошқа ташкилотлар ташаббуси билан мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида Бухоро шаҳрида гуллар байрами ўтказилди.**

**● Кармана туманида Бирлашган Араб Амирликлари тадбиркорлари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Навоий-SILK» пиллани қайта ишлаш корхонаси ишга тушди. Бу ерда йилига 500 тоннадан ортиқ пиллани қайта ишлаш имконияти мавжуддир.**

**● Жондор туманидаги М.Таробий номли ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган уч мингга яқин хонадонлар аҳолиси тоза ичимлик сувидан фойдалана бошлади. Ушбу муаммо Испанияда ишлаб чиқарилган «ИСД-100» тозалаш қурилмасининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ҳал этилди.**

### Жаҳонда

**● Албания Марказий сайлов комиссияси мамлакатда ўтказилган парламент сайлови натижаларини эълон қилди.**

**● Хитойда йирик йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Шэньчжэнь шаҳрида катта тезликда ҳаракатланаётган автобуснинг одамлар гавжум йўлкага чиқиб кетиши натижасида 20 киши ҳаётдан кўз юмди, ўндан ортиғи тан жароҳатлари олди.**

**● Кураш Халқаро ассоциацияси таркибига Чехия, Сербия-Черногория, Словакия ва Кипр миллий федерацияларининг кириши муносабати билан эндиликда КХАга аъзо мамлакатлар сони 77 тага етди.**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Давоми. Боши 1-бетда

**Бўриева Комилахон Расуловна** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик кафедраси доценти вазифасини бажарувчи

**Ғаниева Рейхана Отабековна (Райҳон Ғаниева)** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Исломов Акрам Икромович** — Республика ёш томошабинлар театри актёри

**Мансурхўжаева Саида Сайдирасуловна** — М.Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясининг «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли раққосаси

**Матчонов Рустам** — «Ўзбекдавлат-цирк» бирлашмаси артисти

**Рўзикулов Сайфиддин Нормўминович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг опера хонандаси

**Сайдов Тоҳир Самандарович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Солиев Нодир Набиевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг симфоник оркестри созандаси

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»

**Ашурова Марьям Ҳамидовна** — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти доценти

**Ғуломов Мирзоҳид Мираҳмедович** — Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-ҳунар коллежининг чизмачилик ва расм фани ўқитувчиси

**Зоиров Комилжон Одилович** — В. Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицей директори

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

**Обрўев Абдураззоқ** — «Ватанпарвар» газетаси бўлим бошлиғи

**Бобожонов Нозим Рамзович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбекистон» телеканали Бош дирекцияси дастурлар директори

**Нуриддинов Хайрулла Боқижонович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканали бош директори

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»

**Исматхўжаев Саъдулла Қудратович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институтининг лаборатория мудири

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

**Абдураҳимов Мақсуд Муғалимович** — Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими

**Гамбарова Флорида Абдуллаевна** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**Носиров Абдулхай** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**Пўлатова Санобар** — Ўзбекистон Миллий китоб палатаси бош библиографи

**Ҳасанов Абдувоҳид Ғофурович** — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири

**Қосимов Жаҳонгир Мирсобитович** — «Ўзбекфильм» киностудияси кинорежиссёри

**Қосимов Ҳайдарали Сайдалиевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри режиссёри

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

**Троицкая Светлана Ильинична** — Тошкент шаҳар Мурувват уйи директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

**Бучинцев Олег Сергеевич** — Тошкент трактор заводи очиқ акциядорлик жамияти қошидаги «Трактор» болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг кураш бўйича катта мураббийи

**Разумовский Андрей Владимирович** — «Ўзенгилсанлойиҳа» институти бош мутахассиси, кема моделсозлик спорти мураббийи

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

**Исматиллаев Шавкат Сиддиқович** — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти — республика техник ва амалий спорт турлари маркази бош директорининг биринчи ўринбосари

**Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотланди:**

## «Буюк хизматлари учун» ордени билан

**Раҳматуллаев Шавкат** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг умумий тилшунослик кафедраси профессори

**Раҳмонов Мамажон** — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, санъатшунос олим

**Усмонова Юлдуз Иброҳимовна** — Ўзбекистон халқ артисти

## «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Бурмакин Владимир Иванович** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти

**Шахизиров Жаббор** — Тошкент шаҳар 17-сон клиник шифохонаси жарроҳлик бўлими мудири

**Юсупов Шарофиддин Исомиддинович** — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, кулол

## «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Отабоев Носир Аминжонович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг эстрада жамоалари дирекцияси режиссёри

**Аҳмедов Файзулла Турғунович** — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри актёри

**Аҳмедов Ёқуб** — Ўзбек Миллий академик драма театри директори

**Иброҳимова Санталат Ориповна** — «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти тиббиёт илмий таҳририяти мудири

**Каримов Анвар** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг «Телекўрсатув ва радиоэшиттириш» кафедраси доценти

**Мираъзамов Анвар Мирсолиҳович** — «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси соғлиқни сақлаш хизмати бошлиғи

**Павловская Ирина Михайловна** — Миллий симфоник оркестри созандаси

**Саъдиев Ёдгор Ҳабибович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Турсунова Севара Жалиловна** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекцияси директори ўринбосари

**Холодова Евгения Григорьевна** — Республика 1-сонли клиник шифохонасининг буйракни кўчириб ўтказиш маркази бўлим мудири

**Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:**

## «Дўстлик» ордени билан

**Абдураҳмонов Темирбой** — «XXI asr» газетаси бўлим муҳаррири

**Азимов Марат Ғафурович** — Ўзбек Миллий академик драма театри режиссёри

**Аманов Тилеубай Юлдашевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти етакчи илмий ходими

**Горбунова Любовь Борисовна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг «Ёшлар ахборот маркази» бўлими мудири

**Ғуломов Тўражон Дадажонович** — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий илмий кенгаши бош мутахассиси

**Жамолов Ғофур Ботирович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» радиоканалининг «Аср» ахборот-таҳлил муҳарририяти бош муҳаррири

**Нажафов Айдин Гусейнович** — Публицист, таржимон

**Раҳматова Нилуфар Эргашевна** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Струнникова Лилия Васильевна** — «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири

**Усмонов Адҳамжон Раҳимович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбекистон» телеканали режиссёри

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотландилар:**

## «Шуҳрат» медали билан

**Абкеримова Лейля** — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи таҳририяти саҳифаловчиси

**Автономов Виктор Александрович** — Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг ғўза селекцияси ва уруғчилиги институти бўлим мудири

**Андреева Шарипа Туробжоновна** — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этувчиси

**Ғафурова Вазира Нурматовна** — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси монтажчиси

**Дроздов Александр Олегович** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг цех бошлиғи ўринбосари

**Зиётов Юнус Ҳидаевич** — «Ўзбекистон овози» газетаси мухбири

**Иноятова Манзура Жўрақуловна** — Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси, стол тенниси бўйича республика чемпиони

**Исмоилова Мамлакат Миржумановна** — Тошкент шаҳар 24-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

**Қурбонов Саъдулла Назарович** — Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказининг жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича етакчи мутахассиси

**Назарова Майсара Тошевна** — «Туркистон» газетаси мухбири

**Сулаймонов Кодиржон Убайдуллаевич** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекцияси режиссёри

**Субхонов Абдулла Омондуллаевич** — «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири

**Тўлаганова Ноиба Маҳамедовна** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг хабар узатиш гуруҳи раҳбари

**Усмонов Жамол Жалолович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

**Йўлдошева Масъуда Раҳматовна** — Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг Ўзбек адабиёти ва дарсликлар таҳририяти бош мутахассиси

**Ғозиев Толибжон Орифович** — Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги спорт, оммавий-маданий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича дирекция рассоми

**Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич** — «Инсон ва қонун» газетаси масъул котиби

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

**2005 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси М.Шарифхўжаев олиб борди.**

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдиновнинг парламент юқори палатасининг учинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ўтган давр мобайнида қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Қўмита раислари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда учинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритиш мўлжалланган бошқа ҳужжатлар тайёр эканлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

***

**Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталари мажлислари ҳам шу куни бўлди.**

Қўмиталарнинг раислари Ғ.Алиев ҳамда И.Собиров томонидан олиб борилган мажлисларда Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида 19 август куни ўтказилган Сенат Кенгашининг АҚШ қуролли кучлари контингентини «Хонобод» (Қарши) аэродромидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир гуруҳ сенаторларининг мурожаатномаси тўғрисидаги Қарори муҳокама этилди.

Қўмита мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқиндагина эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари кўриб чиқилди. Сенаторлар бу ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритар эканлар, мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотида, жиноий жазолар тизимини либераллаштиришда мазкур фармонлар муҳим босқични бошлаб беради деб айтдилар. Улар ана шу фармонларнинг, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳиятига ҳамда аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг кўламда тушунтириш ишлари ўтказиш зарур эканлигини алоҳида таъкидладилар. Сенаторлар шунингдек, учинчи ялпи мажлиснинг кун тартибига киритиш мўлжалланган масалаларни, шу жумладан Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга юборилган қонунларни ҳам муҳокама этдилар, биринчи ярим йилликдаги ўз фаолиятлари якунларини таҳлил қилдилар, минтақаларда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳамкасабаларига ахборот бердилар.

Сенат қўмиталари кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.





*Мустақиллик мевалари*



# ЯККАСАРОЙ — ГЎЗАЛ ВА КЎРКАМ МАСКАН

**Мамлакатимиз мустақилликка юз тутганидан сўнг ўтган 14 йил мобайнида пойтахтимизнинг барча туманларида кенг кўламдага хайрли ўзгаришлар, янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан Яккасарой туманида ҳам ҳар бир соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Туман аҳолиси айни кунда Истиқлолимизнинг ўн тўрт йиллик байрамини ёруғ юз билан шодиёна руҳда кутиб олиш ниятида қизғин тайёргарлик кўрмоқда.**





Яккасарой тумани пойтахтимизнинг йирик саноат, маданият ва таълим марказларидан ҳисобланади. Туман ҳудуди 1,46 гектар бўлиб, аҳоли сони 112,4 минг кишини ташкил этади. Туманда 4 та олий ўқув юрти, 17 та умумтаълим мактаблари, 2 та касалхона, 5 та поликлиника жойлашган. 8 та кутубхона, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, 2 та маданият уйи туман аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, туманда 18 та маҳалла мавжуд бўлиб, ушбу гўшаларда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Туман иқтисодиёти ривожини 133 та йирик корхоналар, 1850 дан зиёд кичик корхоналар таъминлайди.

Мустақиллик йилларида туманда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бирмунча ўзгаришлар, янгиланишлар амалга ошди. Халқ фаровонлигини ошириш, осойишталигини таъминлаш ва ободонлаштириш ишларига катта эътибор қаратилди. Ўтган йилларда туманнинг қатор иқтисодий кўрсаткичлари юқорилаб борди. Жумладан, 2005 йилнинг биринчи ярмида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 28 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,3 фоизга ортган. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 10,5 миллиард сўмга тенг, ўсиш суръати 100,2 фоизга етган. Ҳозирги кунда туманда 202 та қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Шуни ҳам айтиш керак, туманда экспорт соҳасидаги ютуқлар ҳам бирмунча қувонарли. Саноат корхоналари томонидан тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича ўтган йилнинг мос даврига нисбатан жорий йилда ижобий кўрсаткичларга эришилди. Ҳисобот даврида маҳсулот ва хизматлар экспорт ҳажми 268,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўсиш суръати 127 фоизга тенг бўлди. Шуни қувонч билан айтиш жоизки, 2004 йилда туманда Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигида «ТашКаятекстиль» ва «ЧитинКаятекстиль» қўшма корхоналари тузилиб, ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, Мустақиллигимиз байрами арафасида туманда «ОйДемиртекстиль» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.



Айтиш жоизки, маҳаллаларнинг жамиятимизда тутган ўрни тобора ошиб бормоқда. Мустақиллик йилларида туманда «Ўриксор», Абдулла Авлоний номидаги, «Яккасарой-1», «Конституция», «Қушбеги», «Ракат», «Яккасарой-2» маҳалла гузарлари қурилиб, атрофлари ободонлаштирилди. Бу ишларга 60 миллион сўм маблағ сарфланди.

Мустақиллик йилларида шаҳримиздаги аксарият меҳмонхоналар тизимини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Улар хорижий инвестициялар ҳисобига қайта таъмирланиб, ўзгача қиёфа касб этди. Жумладан Яккасарой туманида жойлашган «Гранд-Мир» меҳмонхонаси туркиялик шериклар билан 3-4 тоифа даражага етказиб таъмирланди. Айни кунларда ушбу меҳмонхонада иккинчи босқичдаги қурилиш ишлари давом этмоқда.

Шу билан бирга туманда кўчаларни кенгайтириш, ободонлаштириш ишлари, йўл қурилишлари жадал бормоқда. Хусусан, бу йил Усмон Носир ҳамда Гавҳар номидаги кўчалар кенгайтирилиб, обод ва кўркам тусга кирди. Айни кунларда Бобур кўчасида Аэропорт йўналишида 1 километр масофада яшил ҳудуд барпо этилмоқда. Бу иншоотни Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, яқин келажакда ушбу ҳудудда болалар учун йирик спорт-соғломлаштириш мажмуаси бунёд этиш мўлжалланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда яккасаройликлар яқинлашиб келаётган энг улуғ ва энг азиз байрамимизни меҳнатда муносиб ютуқлари ила ёруғ юз билан кутиб олиш ниятидалар. Истардикки, Мустақиллик йилларида янада обод бўлиб чирой очаётган Яккасарой туманининг келажаги бунданда порлоқ бўлсин.

**Дилором ИКРОМОВА**





## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

• **ЎТГАН** куни Охунбобоев номидаги маҳаллада уюштирилган «Ёшларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» мавзуидаги тадбир юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланди.

• **ЎТГАН** куни Иброҳим ота маҳалла гузарида Истиқлол айёми муносабати билан фаоллар, ёшлар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Ёшлар — бизнинг келажагимиз» деб номланди.

• **КЕЧА** Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Ҳамза туман бўлими ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллик айёмига бағишлаб ўтказилган тадбир «Мустақиллик — олий неъмат» деб номланди.

• **КЕЧА** «Фарҳод», «Ширин», «Тинчлик» маҳаллаларида «Биз эркин ва фаровон ҳаёт қурмоқдамиз» шиори остида давра суҳбати уюштирилди.

• **БУГУН** Мирзо Улуғбек маҳалласида фаоллар ва ёшлар иштирокида уюштирилган «XXI аср ва ёшлар» мавзуидаги давра суҳбати юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланди.

• **БУГУН** Ҳиндистон маданият марказида «Мен ўзбек фарзандиман» мавзуида «Шанкар» Бутунжаҳон болалар расмлари кўргазмаси иштирокчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Миробод туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари, туман ички ишлар бўлими ҳамкорликларида туман фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида уюштирилган тадбирда тинчлик буюк неъмат эканлиги, хавфсизликни таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлмоғи зарурлиги алоҳида таъкидланди.

• **БУГУН** «Ўзэлектроаппарат» очиқ акциядорлик жамиятида ўтказилган «Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди» мавзуидаги учрашувда корхона фахрийлари ва ёшлар иштирок этишди.

• **БУГУН** БК «Интранс» корхонасида Бектемир туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган концерт юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланди.

• **КЕЧА** «Миришкор» маҳалласида фаоллар иштирокида ўтказилган тадбир «Мустақиллик — олий неъмат» деб номланди.

• **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида «Давлат умуммиллий дастури — менинг дастурим» мавзуида ЎТГАН куни бўлиб ўтган август кенгашида она тили ва адабиёти, ўзбек тили фани ўқитувчилари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Ярмаркалар*

# ИШ ЎРИНЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

**Куни кеча пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири— Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Яккасарой туман ҳокимлиги, туман меҳнат бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман Кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркаси ўтказилди.**

Эрталабдан истироҳат боғида туман маданият бўлимининг аъзолари — ёш санъаткорлар дилтортар куй-қўшиқлари билан ташриф буюрувчиларга хуш кайфият улашдилар. Туман меҳнат бўлимининг жамоаси меҳнат ярмаркасини уюшқоқлик билан ўтказиш, асосийси унинг самарадорлигини оширишни мақсад қилган ҳолда режадаги барча чора-тадбирларни пухта амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилгани яққол намоён бўлди.

— Ҳозирги куннинг долзарб масаласи — доимий банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш режасини, — дейди туман меҳнат бўлими раҳбари Умарбек Султонов, — туманимизда янги ташкил топаётган қўшма корхоналар, кичик бизнес субъектлари ҳисобига муваффақиятли бажардик. — Туманимиз иқтисодиёти тўқимачилик ҳамда енгил саноатга ихтисослашганлиги боис, айниқса, Президентимизнинг июнь ойидаги кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш мақсадларида эълон қилинган Фармонлари ва Қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам Тўқимачилик комбинати ҳудудида кўплаб янги ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини бошлади.

Шу куни меҳнат ярмаркасига тумандаги 18 та маҳаллалардан 496 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар қатнашди. Унда фаолият юритаётган 26 та корхона, ташкилот, муассасалар жами 775 та бўш иш ўринларини аҳолига тавсия этдилар. Масалан, Тўқимачилик комбинати қошидаги «Тошкаятекстиль», «Читинкаятекстиль» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхоналари, «ТТМЗ» масъулияти чекланган жамияти, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Тошшаҳаргазтаъминот», «Иссиқликқувваттаъмир» корхонаси,«Ўзкоммунэнергосозлаш» акциядорлик жамияти, шунингдек, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ободонлаштириш бўлимлари ярмаркада ўзининг мутахассислари билан қатнашди.

— Туманимиздаги маҳаллаларда жами 111 минг нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Шарипова. — Бугунги ярмаркада иштироки қайд этилганларнинг 301 нафарини аёллар ташкил этмоқда.Улар орасида ёшлар, яъни олий ўқув юртлари, ўрта мактаб, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар битирувчилари, уй бекалари, ногирон фарзанди бўлган оналар бор. Уларни жалб қилишда, айниқса, туманимиздаги «Яккасарой-1», «Яккасарой-2», Абдулла Авлоний, «Дамариқ», «Ракат», «Конституция», «Қушбеги», «Бошлиқ», Муқимий, Бобур номидаги маҳаллалар раислари, фаол аёллари кўмаги алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Ушбу ярмаркада 108 нафар фуқарога ўз хоҳиш-истакларига кўра ишга йўлланмалар берилди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига 5 нафар фуқаро ўқишга юборилди ҳамда 293 нафар фуқароларга маслаҳат берилди. Сентябрь ойида навбатдаги меҳнат ярмаркасини ўтказишни режасига киритган меҳнат бўлими жамоасининг ишлари қизғин бўлишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**








**СУРАТЛАРДА: Яккасарой туман меҳнат бўлимининг ташаббуси билан Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркасидан лавҳалар.**

**Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.**

*Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги*

# МОСКВА ФОНД БИРЖАСИ

**Эндиликда республикамизда тайёрланган пахта толасини россиялик истеъмолчиларга етказиб беришда Ўзбекистон товар-хомашё биржасининг ҳамкори сифатида фаолият юрита бошлади.**

Келишув шартномасига кўра, у пахта толасини россиялик истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича расмий ҳамкор мақомига эга бўлди. Бундан буён Москва товар-хомашё биржаси Ўзбекистон товар-хомашё биржаси билан мунтазам ҳамкорлик қилиб, россиялик ишбилармонларни аккредитациядан ўтказиш, бозорда ўзбек пахтасини сотиш учун шартномалар тузиш билан шуғулланади.

Бу жараёнлар Ўзбекистон-Россия иқтисодий алоқаларининг тобора ривожланаётганлиги, икки томонлама тенг манфаатдорлик ва ҳамкорлик самараси деб талқин этилиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, яқин кунларда Ўзбекистон товар-хомашё биржасининг валюта бозорида ҳар бир тоннасига бошланғич нархи 1047,67 АҚШ доллари бўлган 19 минг тонна пахта толаси сотувга қўйилади. Жорий йил охиригача «Ўзпахтасаноат» уюшмасига қарашли акционерлик бирлашмаларида тайёрланган юз минг тонна хомашёни сотиш режалаштирилган.

Эслатиб ўтиш жоизки, 2003 йилнинг октябрь ойидан буён республика товар-хомашё биржаси мамлакатимиздаги харидорларга маҳсулотни хорижга экспорт қилмаслик шарти билан етказиб турди. 2005 йилнинг 1 августигача 252, 6 миллиард сўмлик 256, 5 тонна тола сотилди. Бу кўрсаткич жорий йилнинг етти ойи мобайнида 74,4 миллиард сўмни ташкил этди. 2005 йилнинг январь-июль ойлари мобайнида пахта толаси сотиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,7 фоизга ошди.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида республикамизда пахта толаси тайёрлаш 636,241 минг тоннани ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29, 6 фоиз кўп демакдир.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

*Унутилмас хотиралар*

# ИККИНЧИ ОИЛА

**26 август. Бу сана муаллимлар учун ўзгача унутилмас кун ҳисобланади. Айни шу куни ўқитувчилар меҳнат таътилидан қайтадилар, жамоага янги-янги аъзолар келиб қўшилади. Бу сана менинг хотирамда ҳам бир умрга муҳрланиб қолган. Чунки шу қутлуғ кунда менинг илк меҳнат фаолиятим бошланган.**

Чилонзор туманидаги 138-мактаб директори, шу даргоҳнинг пойдеворига ғишт қўйган олижаноб инсон Акбар Қосимов буйруғи билан ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси этиб тайинланганман. Вақт шамолдек эсиб ўтибди. Ушбу чекилган имзога ҳам роппа-роса 35 йил тўлди.

Ўтган даврга хаёлан нигоҳ ташлайман. Юрак қурғур дук-дук уради, киприклар беихтиёр намланади. Чунки мен билан бир сафда меҳнат қилган ҳамкасбларнинг кўпчилиги раҳматли бўлган, кўп қисмини кексалик ўз хукмига олган. Ўтган онларни асло ҳаяжонсиз эслаб бўлмайди. Ахир умрнинг асосий қисми ўтадиган иш жойингдаги жамоа иккинчи оила ҳисобланади. У ердаги инсонлар оила аъзолари каби азиз ва қадрдон бўлиб қоладилар.

Кечагидек эсимда. Мактаб остонасига қадам қўйдим. Дилда қувонч билан бирга бироз ҳадик ҳам ўрин олган. Зеро ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси бошқа касблардан фарқли ўлароқ сертўқин ва туби кўринмас уммон мисолидир. Ўз-ўзимга сўзлайман. Бу уммон мени қабул этармикан? Ё аксинча, қирғоққа чиқариб ташлармикан? Ҳақиқий касб устаси бўлиб талабалар меҳрини қозона олармиканман? Ёхуд исмим ёнига ўқувчиларнинг лақаб тамғаси босилармикан? Минг шукур, шубҳам булутларини устозлардан олган сабоқ нурлари тарқатиб юборди. Менга ишониб топширилган 5-а синф ўқувчилари билан нафақат тиллашиб, балки диллашиб кетдик. Самимий илиқ муносабатларимиз ҳанузгача давом этади. Айниқса жажжи қалбларда адабиётга, шеъриятга ҳавас уйғота олганимдан ҳануз хурсандман. Бу синф ўқувчилари илмга чанқоқ, иқтидорли эдилар. Аммо гуручнинг курмаги бўлгани каби бир ўқувчи ўқишга иштиёқи йўқроқ эди. Бу эса ўз ўзидан бутун синфни орқага тортар эди. Аълочи ўқувчилар Баходир, Роҳатой, Тоир, Васила каби ёшларни мисол тариқасида кўрсатиб уни танқид остига олиб шеър ёздим. Бу илоҳий неъмат ўз таъсирини кўрсатди, бола иложий томонга ўзгара борди. Ҳозирги кунда у энг зўр тадбиркорлар қаторидан ўрин олган.

Бирор нотаниш хонадонга ташриф буюрганингда уй эгалари сенга илиқ муомала қилиб кутиб олсалар, руҳинг кўтарилади, мақсадингни амалга оширишга ҳаракат қиласан. Худди шундай бўлди. Мактабнинг илмий бўлим мудирлари тиниб-тинчимас Абдулла Тўлаганов, бағри кенг, камтарин инсон Аброрхон Халилхўжаев, ўзбек тили ва адабиёти услубий бирлашмаси раиси Машкура Бердиевалар менга ҳомийлик қилдилар, муаллимлик сирларини ўргатдилар. Педагогик жамоа гўёки сувдан кўтарилган ғалвир каби худди саралаб олингандек жуда ақил, кучли тажрибага эга ўқитувчилардан иборат эди, десам муболаға бўлмайди. Уларнинг дарди ҳам, шодлиги ҳам шу ўқувчилар эди. Ота-она улардчалик қайғурмаган, эришган ютуғидан устозидек қувонмаган бўлса ажабмас.

Собиқ ҳамкасбларимдан қайси бирини тилга олмай дилимда фахр тўлқини мавжланади. Қўлтиғига географик харитани қистириб вазминлик билан синфхонага кириб келган Собир аканими? Керак бўлса бутун кунини мактабда ўтказадиган бир сўзли Мирза аканими? Устозим-маориф фидойиси Анвар Тўрабековнимi? Доимо бир хилда юргувчи Раҳим Болтабоев, кайфиятингни кўтарувчи Абдуманнон акани айтайми? Ёхуд алифбодан илк сабоқ берувчи Хабиба ва Хурсаной опаларнинг фаолиятлари ҳақида сўзлайми?

100 нафарга яқин муаллимлар жамоасининг барчаси миллатидан қатъи назар ўзига хос ажойиб ижобий хислатларга эга эди. Ҳаттоки хўжалик мудири Маҳаматқул ака, мактаб қоровули Ҳамидулла акалар ҳам ўқувчилар билан педагогларга хос муомалада бўлар эдилар. Ёш ва навқирон болалар етакчиси Абдуллахўжа Сулаймонхўжаев ўқувчилар меҳрини қозонгани учун доим ёшлар қуршовида эди.

Яшаб турган заминига эҳтиром, юртдошларига, унинг тили ва маданиятига ҳурмат кўрсатиш исботини ҳам шу даргоҳда кўра олдим. Кўпчилик рус, инглиз тили ўқитувчилари қатори Н.Капустянская, Г.Чинчевая каби муаллимларнинг ўзбек тилида ўз она тилларидек сўзлашлари ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар жамоасини қойил қолдирарди.

Акбар акадан сўнг у кишининг шогирдлари риёзиёт домласи Дилбар Азимова раҳбарлик курсисига ўтирдилар. Бу даврда ўқув масканида анча янгиликлар жорий этилди. Вақти келиб Дилбар опа ҳам "улоқни" шогирди машҳур маорифчилар сулоласининг аъзоси Оҳиста Олимовага топширдилар. Шогирд устозининг ишончини оқлади. Мактаб шаҳарда илғорлар сафидан ўрин олди.

Ҳозир эса Оҳистахоннинг шогирди Маъсуда Содиқова устозлар удумини, ишини давом эттирмоқда.

Менга қадрдон билим масканидаман. Унинг ҳар бир гўшаси, хонаси, йўлаги менга тарихий воқеаларни ёдга солади. Хаёлан ўйга ботаман. Э воҳ, бу даргоҳдан қанча-қанча инсонлар ўтиб кетибди, аммо бу маскан ўша-ўша, бағрига яна анги авлодларни қабул этиб ўз ҳаётини давом эттирмоқда. Бу муқаддас даргоҳ абадий барҳаёт бўлсин дея дилимдан ният қиламан.

**Шукур ДАДАШ**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўзи ўрганиш домо бўлур...

● Доноларнинг айтишича, ҳар кишини ҳам дўст тутиб бўлавермайди. Дунёда дўстдан кўра азизроқ ва қимматроқ нарса йўқ. Айтишларича, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ўз отаси ҳақида ҳикоя қилиб қуйидагиларни айтган:

Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатлик қилма, улар билан ҳеч вақт суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — фисқу фужур аҳли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир луқма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан доим бир нарса тамасида бўлишади; агар бермасанг, халқ ичида сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатишади. Одамлар эса гапнинг тагига етмасдан сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар».

— Иккинчиси бахил ва хасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг улар ҳеч қачон сенга бермайдилар. Сенинг молу давлатингни эса уялмай ейдилар. Тугаса душманга айланадилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўплигида дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманимга айланишди, таъна тошини отишди.

Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлғончилар. Кимда бу иллат борлигини сезсанг ундан узоқроқ юр. Улар сени ўз яқинларингдан айиришади ва бегоналарни яқинлаштиради. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат кишига аста-секин таъсир эта бошлайди, тўғри йўлдан оздириб, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма, дилида меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни мальун деб аташ мумкин.

●ҲИКОЯТ. Бир тулки ўрмонда яшар эди. Бир куни эрталаб овқат излаганича ҳар томонни кеза бошлади. Тасодифан бир товуққа кўзи тушиб қолди. Уни тутишга бел боғлади. Шу пайт унинг қулоғига баланд бир овоз эшитилди. У чор-атрофга қараб, дарахт тепасида турган йўғон гавдали, семиз бир нарса кўрди. Иштаҳаси аланга олди. Ўша семиз нарсага эришиш мақсадида юз ранжу кулфат билан дарахт тепасига чиқди ва унга чанг солди. Ўша нарсанинг ичи бўм-бўш бўлиб, ҳаводан ўзга нарса йўқ эди. Тулкининг очкўзлиги туфайли бу ноғора унинг кўзига семиз ҳайвон бўлиб кўринган эди. Шамол таъсирида дарахт шохлари тебраниб, унга урилар ва чиқаётган овоз эса ҳайвон овози бўлиб туюлган эди. Тулкининг дили ҳасрат ўтидан куйиб надомат ёшларини тўкди. Сўнг ўзига деди: «Эсиз, бу ҳаводан шишган нарсани деб ҳалол сайдимни қўлдан чиқардим, фойдасиз бу йўғон гавдадан ҳеч манфаат етмади!»

«Ипотека-банк» АТИБ Меҳнат филиалига тегишли «ГАЗ-31029» автомобили сотилади. Тел: 133-91-12, 133-43-06.

«Радиодеталлари» дўкони ҳар қандай радиодеталлар, компьютерлар, жамловчи, электрон, аудио ва видео, ўлчов асбобларини харид қилади ва сотади. Телефон: 68-93-93.

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

### ГЎЗАЛЛИККА ДОҒ ТУШМАСИН

Ҳар байрам арафасида шаҳар айланиш одатим бор. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Амир Темур, Алишер Навоий, Фарғона йўли, Аҳмад Дониш каби шоҳ кўчаларда бўлдим. Сергелида бунёд этилган маҳобатли кўприк ва Эски шаҳардаги қайта қурилишлар ҳам эътиборимдан четда қолмади. Бу манзилларнинг йил сайин обод ва кўркам бўлиб бораётганини кўриб фахрландим. Кўчаларнинг икки четига экилган гуллар барқ уриб турибди. Шаҳримизда бу қадар кенг миқёсда олиб борилаётган ободончилик ишларидан кўнглим тўлиб, бироз бўлсада дам олиш ва у ерлардаги ўзгаришлардан ҳам бохабар бўлиш мақсадида баъзи хиёбонларни ҳам оралаб ўтдим.

Ҳаммаёқ ям-яшил. Хиёбонларда дам олувчилар учун ҳамма нарса муҳайё. Лекин баъзи майсазорларнинг кимларнингдир томонидан босиб-янчиб, топталганини кўриб кўнглим ранжиди. Тавба, деймам ўзимча, шундай гўзалликнинг қадрига етмаган кимсалардан хафа бўлиб. Қайси беандиша ниҳоят икки-уч метр ерни яқин қилиш учун шундай кўркам майдоннинг ўртасидан узун оёқ йўл солишга журъат этди. Ахир ўз шаҳрини жон-дилдан севган, унинг гўзаллигидан дили равшан тортадиган инсонларнинг иши эмаску, бу. Бундай тартибсизликни содир этишга унча-мунча одамнинг ҳадди сиғмайдику. Шундай хаёллар билан бу ерни тарк этиб «Ардус» дўкони рўпарасидаги хиёбон томон юрдим. Энди бу ерда кўрганларимни таърифлашга тил ожиз. Тўғри, хиёбон ҳар йили таъмирланади. Йўлкаларга шахмат усулида ғишт терилади. Лекин негадир яхши ният билан бошланган ишлар ниҳоясига етмай, ўлда-жўлда қолиб кетади. Кейин қаровсиз қолдирилган хиёбон ва ундаги майсазорлар баъзи кишилар томонидан пайхонланиб, топталади. Ахир уларни бунёдга келтириш учун қанча куч сарфланган, қанча одамларнинг пешона тери тўкилган.

Хиёбон ва ундаги барча гўзалликлар биз инсонлар учун яратилади ва бизга хизмат қилади. Ободончиларнинг қалб кўрини тўкиб, яхши ният билан парваришлаган бу яшилликларни босиб, топташ ҳеч биримизга ярашмайди. Ахир, биров гўзалликни яратиб берса-ю, биз унинг қадрига етмасак бу бориб турган андишасизлик ҳисобланади. Шу ҳақда бир ўйлаб кўрсак яхши бўларканда.

### КЎНГЛИМ ТАСКИН ТОПДИ

Ҳастимомлик Ботирали дўстим бўлгувчи эди. Эски уйларимиз бузилгач, у билан узоқ кўришмай қолдим. Сабаби, қўшнилар ҳар томонга тарқаб кетдик. Биров шаҳарнинг у чеккасидан, биров бу чеккасидан жой олди. Кимлардир кўп қаватли уйларга кўчиб ўтишди.

Яқинда Эски Жўва бозорида Ботиралини учратиб қолдим. Анчагача омонлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб турдик. Бир-биримизга телефон рақамларимизни, уй манзилларимизни бердик.

— Келаётган жума куни кечки пайт албатта бизникига ўтинг. Маза қилиб суҳбатлашамиз. Ахир эски қадрдонлармиз, шундай экан, борди-келдини тикламасак бўлмайди, — деб қолди у хайрлашув чоғида.

Таклифни қабул қилдик. Жума куни кечки пайт дўстимникига, Юнусободга жўнадик. Сўраб-суриштириб Маккани топган эканлар. Мен ҳам сўраб-сўраб Ботиралиникини топиб олдим. Тўққиз қаватли осмонўпар бинонинг учинчи қаватига чиқиб эшик қўнғироғини боссам, бир зумда ичкаридан Ботиралининг ўзи чиқиб келди.

— Эй келинг, Зийрак бобо, шу топда сизни эслаб ўтирган эдим.

Мезбоннинг такаллуфи билан каттагина хонада безатилган дастурхон атрофидан жой олдим. Биз ўтирган хонага саломлашиб кириб-чиқиб турганлар орасида Ботиралининг аёли кўринмасди. Бу ҳақда сўраб-исташга истиҳола қилдим. Шу орада бирдан эшикдан 18 ёшлар чамасидаги бир йигитча кириб келди. Биз билан омонлашгач, Ботирали уни таништирди.

— Кенжа набирам Йигитали.

Кейин унга юзландим.

— Зийрак бобонгни танияпсанми, бўтам?

— Танияпман. Яхши юрибсизми бобо. Бувам сизни, эски қўшниларимизни тез-тез эслаб турадилар, — деди Йигитали менга жилмайиб, кейин қўлидаги қоғозга ўроғлиқ нарсани Ботиралининг олдига қўйди.

— Бу нима, бўтам?

— Биринчи маошимдан сизга арзимас совға, бобо.

— Отанг ўргулсин сендан, нима қилардинг овора бўлиб, — миннатдорчилик билдирди Ботирали хушнудлик билан.

—Олдин кийиб кўрингчи, сизга лойиқмикан, бўлмаса эртага алмаштириб келаман, — дея у қоғозни очиб, ичидан чиройли чакмонни олдида Ботиралининг елкасига ташлади.

Чакмон қуйиб қўйгандек унинг ўзига ярашиб тушди.

— Тупроқ олсанг олтин бўлсин болам. Афсуски бу кунларни сени боқиб катта қилган бувинг кўрмадида.

Йигиталининг бу гапдан кўзи ёшланди. Ҳўнграб юбормаслик учун хонани тарк этди. Шундагина мен нодон Ботиралининг аёли Хайринисанинг вафот этганини билибман. Сўраб-суриштирсам у икки йил муқаддам оламдан ўтган экан. Орадан шунча фурсат ўтибди-ю, яқин қадрдонимнинг бошига тушган бу мусибатдан мен бехабар юравериббман.

— Шундай бўлиб қолди биродар. Қийин-қисталанг бўлиб сизга хабар қилолмай қолдик, — деди Ботирали. —Бунинг устига манзилингизни аниқ билмадик.

Кўчада бир қайғуриб, бир қувониб кетиб боряпман. Қайғум оғир кунда Ботиралининг ёнида бўлолмаганим. Қувончим эса биринчи маошидан бобосига совға олиб келишни унутмаган набиранинг зийраклиги. Ҳар қалай Ботирали якка эмас, ёнида бир-биридан одобли ўғил-қизлари, одамохун набиралари борлигидан кўнглим таскин топди.

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

### 27 АВГУСТ, ШАНБА

**Доимий маслаҳатчингиз – Лина Савинская бугунги кун моддий аҳволингизнинг яхшиланиши, ишингизда ва бошқа соҳаларда омад сизга ёр бўлишини башорат қилади.**

Унинг фикрини қувватлаган мунажжим Л.Неведомская Қуёш, Марс, Плутон ва Хирон сайёралари қувватларининг ўзаро таъсири бугун воқеа-ҳодисаларнинг ҳар қандай келишидан албатта наф кўришингизни таъкидлайди. Аммо бунинг учун, биринчидан, нимани истаётганингизни аниқ билишингиз керак бўлади. Шунингдек, ўз ҳоҳиш-истакларингиз рўёбга чиқишининг қонуний йўл-йўриғини топишингизга тўғри келади. Учинчидан, сиз амалга оширмоқчи бўлган иш ҳеч бир жиҳати билан виждонингиз амрига зид келмаслиги шарт. Шундагина омад калити ўз-ўзидан очилиб, истаганингизга эришасиз.

**ШАНБАДА:**

— ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича тўлиқ ахборот олиш;
— дўстона зиёфат уюштириш, меҳмондорчиликка, концертларга бориш;
— уддабуронлик ва чаққонлигингизни намоён этиш;
— куч ва маблағларингизни тўғри ҳисоб-китоб қилиш тавсия этилади.

Янги ишни бошламаганингиз маъқул: кўпроқ унинг наф келтирмаслиги аниқ.

### 28 АВГУСТ, ЯКШАНБА

**Бугунги омадингиз ўзингизнинг ҳафсалангизга, мириқиб қилаётган меҳнатингизга боғлиқ. Ишчанлик қобилиятингиз қанчалик юқори бўлса, эришадиган натижангиз шунчалик юксак бўлади. Буни мунажжимлар сизга ваъда қилишяпти.**

Лекин ҳаммá нарса хамирдан "қил суғургандай" ҳал бўлавермас экан. Мунажжим Л. Неведомскаянинг айтишича, Ой сайёрасининг узоқ вақт (соат 05.50 дан 21.58 гача) йўналишсиз ҳолатда ва Плутонга мухолифатда туриши натижасида кўпчилик кишиларда ҳеч бир сабабсиз қарама-қаршилик руҳи қўзғалиб, улар жанжал-можаро кўтаришга мойил бўлиб қолишаркан.

**БУГУН:**

— муайян кўникма ва аниқликни талаб этувчи ишлар билан машғул бўлинг;
— нотиқлик ва актёрлик қобилиятингизни ишга солинг;
— ўз мажбуриятларингизни ҳалол ва виждонан бажаринг.

Бировлар билан жанжаллашиш, баҳс-мунозараларга киришиб кетиш, ўзаро муносабатларингизни аниқлашга интилишдан ўзингизни тийинг.

### 29 АВГУСТ, ДУШАНБА

**Ҳафтанинг биринчи куни сафарлар, саёҳатлар учун омадли келиши кутилади. Тўғрироғи, мунажжимлар шуни ваъда қилишяпти.**

Мунажжим С. Ильичёв бошқачароқ фикр юритади. Унинг ваъда қилишича, бугунги кун баҳс-мунозаралар учун қулай бўлиб, яна тезда долзарблигини йўқотадиган, тез кечадиган ишлар, дарё, кўл ва денгизлардаги сайру-саёҳатлар, уй ҳайвонлари харид қилиш, уруғ сепиш самарали бўлармиш. Чўзиладиган ишлар, қурилиш, қарз олиш, кўкрак қафаси ва ошқозонда жарроҳлик операциялари учун бу кун омадли бўлмас экан.

**ДУШАНБАДА:**

— ишни ҳам, дам олишни ҳам қулай шароитларда амалга ошириш;
— ўзингиз яхши билган ишлар билангина шуғулланиш;
— турли муаммоларни ҳал этишда ички туйғуларингизга ишониш;
— оғир дамларда ёрдам сўраб, оила аъзоларингизга, ҳамфикр дўстларингизга мурожат этиш тавсия этилади.

Таваккалчилик қилиш, жиддий хатти-ҳаракатларга йўл қўйиш, саломатлигингиз ёмонлашишига эътиборсизликдан эҳтиёт бўлинг.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2005 йил 27 августдан бошлаб

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ
«ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ»
Катта халқаро байрам
дастури
Дастурдан:
ўргатилган кучукчалар,
маймунчалар,
каптарлар билан фантазиялар,
илон ўргатувчи бўғма илон билан,
чавандоз йигитлар ва
бошқа кўплаб иштирокчилар
ҳамда қизиқарли томошалар
ўрин олган.

*ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!*

**Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.**
**Чипталар цирк кассаларнда ва туман кассирлари томонидан сотилади.**
**Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.**
**Касса эрталаб соат 9.00 дан ишлайди.**
**Маълумотлар учун телефонлар:**
**144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-709.

1 2 3 4 6